

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
факультет

**“МИРЗАЧЎЛ  
ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**мавзусида**

**(Воҳа этнографиясининг жонкуяр тадқиқотчиси  
У.Алибеков таваллудининг 60 йиллигига бағишлаган)**

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(22 март 2022 йил)**

**КВК: 63.5**  
**УО'К: 908**  
**М-54**

**“Мирзачўл этнографиясининг долзарб масалалари”** мавзусида (Воҳа этнографиясининг жонкуяр тадқиқотчиси У.Алибеков таваллудининг 60 йиллигига бағишланган) илмий-амалий анжуман материаллари. - Гулистон: Университет, 2022. 228 - бет.

Ушбу “Мирзачўл этнографиясининг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тўпламига Ижтимоий-иқтисодий факультет “Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси, элшунос олим Умрзоқ Алибековнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий ишлари оид маълумотлар, Марказий Осиё этнологиясининг долзарб масалалари ва Уструшона тарихи ва этнологиясига бағишланган энг сўнги тадқиқотлар натижаларини ўзида акс эттирган илмий мақола ва тезислар киритилган.

**Масъул муҳаррирлар:** С.Исмоилов, Б.Тўйчибоев.

**Таҳрир хайъати:** доцентлар: С.Қудратов, Д.Сангирова, Л.Қодирова, катта ўқитувчи Й.Каримов.

**КВК: 63.5**  
**УО'К: 908**

© “Мирзачўл этнографиясининг долзарб масалалари” мавзусида (Воҳа этнографиясининг жонкуяр тадқиқотчиси У.Алибеков таваллудининг 60 йиллигига бағишланган) илмий-амалий анжуман материаллари.

© Гулистон давлат университети, 2022.

## МУНДАРИЖА:

КИРИШ ..... 3

### I-шўъба

#### ЭЛШУНОС УМРЗОҚ АЛИБЕКОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

МУАЛЛИМ. Й.Бобоев .....	4
МАШҲУР ВА БАХТЛИ ОДАМ. У.Қорабоев .....	6
БИЗ БИЛИБ, БИЛМАГАН УМРЗОҚ. О.Аюпов .....	7
ЭЛШУНОС ОЛИМ. А.Саримсоков .....	9
УМРБОҚИЙЛИКНИ КЎЗЛАГАН КАС. С.Исмоилов .....	12
БУХОРО ВА ҚЎҚОН ХОНЛИКЛАРИ ТУТАШ ҲУДУДЛАРИДА СИЁСИЙ-ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР ХУСУСИДА. Д.Сангилова .....	15
НАВРЎЗДАН ЯНГИЛИК ИЗЛАГАН ОЛИМ. Л.Қодирова .....	20
УСТОЗ ҲАҚИДА МУХТАСАР СЎЗ. Й.Каримов .....	26
САМИМИЙ ИНСОН. М.Ботиров, Ш.Ботирова .....	27
УСТОЗГА ЭҲТИРОМ. А.Аллаёров .....	29
ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ! И.Абдушукурова, М.Боймуродова .....	30
ТАҚДИР ТУҲФАСИ (МИ) БУ - Ё (ХУД...). Б.Боймуродов .....	35
ЭТНОРИТУАЛЛАРГА БАҒИШЛАНГАН УМР. М.Исроилов .....	37
ETNOLOG OLIM. Э.Kurbanov .....	39
ЁШЛИКНИ ЁД ЭТИБ. Ж.Эшназаров .....	40
МОҲИР ПЕДАГОГ. А.Бийтўраев .....	41
ДАДАЖАНОНИМ - ФАХРИМ! А.Умарова .....	43
ИБРАТЛИ УМР. Ф.Атауллаев .....	44

### II-шўъба

#### МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭТНОЛОГИЯСИНинГ ДОЛЗАРБ

#### МАСАЛАЛАРИ

XIХ АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТАРКИБИДАГИ СУБЭТНОСЛАР. У.Абдуллаев .....	46
FORISH TUMANIDAGI QISHLOQLAR HAQIDA. B.Mirkomilov .....	54
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ ТИЗИМИДА ДУАЛИЗМ. Б.Халмуратов .....	60
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИПЧОҚЛАРИ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИДА ТАҚВИМИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ. А.Саримсоков .....	65

ФАРҒОНА ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИ АНЪАНАВИЙ ҲУНАРМАНД-ЧИЛИГИ. Р.Атаханов .....	73
ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТНИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ. Ш.Искандаров .....	77
МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ СИФАТИДА. Ж.Тошбоев .....	81
МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИ МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР. Ф.Акчаев .....	86
ЭТНОСНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МАКОННИНГ ЎРНИ. С.Қудратов .....	91
ТАЛАБАЛАРГА ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИНИ ЎҚИТИЛИШИ ХУСУСИДА. Б.Туйчибаев .....	95
ҚАРАПЧИ – ЭТИМОЛОГИЯСИ. С.Исмоилов, Ш.Маматов, .....	101
МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНО-ДЕМОГРАФИК АҲВОЛИ. Н.Мирзаева .....	105
ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ЭТНИК ТАРКИБИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ. Қ.Алманов .....	111
ЖИЗЗАХ ВОҲА АҲОЛИСИ ТАОМНОМАСИДА ГЎШТЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ. А.Эшмуҳаматов .....	116
ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ГИЛАМДЎЗЛИГИ АНЪАНАЛАРИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР. С.Абдукодиров .....	121
ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ТУРМУШИДА ОТНИНГ ЎРНИ. А.Эшмуҳаматов.....	125
ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ЭТНИК МУНОСАБАТЛАР АКС ЭТГАН АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Н.Олимов .....	131
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРГАН ҚАТАҒОНЛИК СИЁСАТИ. А.Мажидов .....	135
1930-50 ЙИЛЛАРДА ЗИЁЛИЛАРНИНГ ТАЪҚИБ ҚИЛИНИШИ. А.Аллаёров .....	139
РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАОРИФНИ ЧЕКЛАШ СИЁСАТИ. А.Мажидов .....	145
ЎРТА САНГЗОР ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ЭТНОГРАФИЯСИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ. Ш.Ачиллов .....	150
НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ВОПРОСОВ ЭТНОЛОГИИ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА. А.Валиев .....	155

### Ш-шўъба

УСТРУШОНА ТАРИХИ СЎНГИ ТАДҚИҚОТЛАР ТАЛҚИНИДА УСТРУШОНАНИНГ VII –VIII АСРЛАРГА ОИД ЎЧОҚБОШИ ХЎЖАЛИГИ ИДИШЛАРИ. М.Пардаев, Г.Мўминова .....	160
МОРГУЗАР ТОҒИДАГИ ЭТНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА. Ф.Тошбоев .....	166
ҚАДИМИЙ ХОВОС ВА УСТРУШОНА. Ў.Эрбўтаева, Р.Мамадалиев .....	173
USTRUSHONANING O‘RTA ASRLAR DAVRI TARIXINING MANBALARDA YORITILISHI. O.Nazarov, R.Ne‘matov .....	176
МАРКАЗИЙ УСТРУШОНАНИНГ ИЛК ЎРТА АСР ҚИШЛОҚ МАКОНЛАРИ. Ж.Ғафуров .....	182
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ. У.Мирзалиев .....	188
АКАДЕМИК В.БАРТОЛЬД УСТРУШОНА ҲАҚИДА. Д.Абдураимов .....	195
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ БАЪЗИ ЖОЙ НОМЛАРИ ЭТИМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА. Ш.Бектурдиев .....	198
БОЁВУТМИ ЁКИ АЛПОВУТМИ? О.Аҳмирзаев .....	201
ЎРТА СИРДАРЁ ҲАВЗАСИ АРХЕОЛОГИК ВА ЁЗМА МАНБАЛАРДА. Х.Тувалов .....	203

#### ИЛОВАЛАР:

Илова № 1.Алибековлар сулоласи шажараси .....	207
Илова № 2.Умрзоқ Алибековлар оиласи .....	208
Илова № 3.Алибеков Умрзоқ Йўлдошевнинг чоп этган илмий ва методик ишлар библиографияси .....	209
Илова № 4.Тарих илмининг ўн фойдаси .....	221
Илова № 5.Тарих ҳақида ҳикматлар .....	222
Илова № 6. Умрзоқ Алибеков оила аъзолари исмларининг маънолари .....	223

9. Первая всеобщая перепись население Российской империи 1897. – СПб., 1897. Таб. XIX. – С. 122–123.

**Рафикжон АТАХАНОВ,**  
Андижон машинасозлик институти т.ф.б.ф.д. (PhD).

## **ЎЗБЕКИСТОН АРАБЛАРНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

XX аср дунё тарихида глобаллашув, информацион ва коммуникация даврининг ривожланиши жараёни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар даври тарзида тарихда қолди. Айниқса, халқларнинг турмуш-тарзи ва этнографияси, моддий ва маданий маънавиятини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон арабларининг этномаданий идентиклиги (этник ўзлигини англаш) ва маданиятини ўрганиш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистонда яшаб келаётган араблар ва уларнинг лингвистик ўзига хос хусусиятлари борасида И.Винников, Г.Церетели, Н.Бурикина, М.Измайлова, Г.Чиковани, М.Саидов, П.Равшанов, Р.Ражабов каби олимлар тадқиқотлар<sup>1</sup>. Улар Ўзбекистоннинг турли минтақаларида яшовчи арабларнинг тилидаги ўзига хослик ва умумийликни ўзаро қиёсий таҳлил қилишган.

Дала тадқиқотлари натижасида Қашқадарё вилоятининг Жейнов ва Пўлати қишлоқларида араб тилинининг оғзаки элементлари сақланиб қолганлигини кузатдик. Кекса ёшли ахборотчиларнинг таъкидлашича, илгари уларнинг ота-оналари, боболари ўзаро араб тилида сўзлашишган. Ҳозирги катта авлод вакиллари орасида ҳам қисман араб тилининг айрим сўзлашув элементлари сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Респондентларнинг араб тилини қай даражада билиши ҳақида

---

Бурыкина Н. Н., Измайлова М. М. Некоторые данные по языку арабов кишлака Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадариньского округа Узбекской ССР // Записки коллегии востоковедов. Т. 5. –Л., 1930; Винников Я. Р. Современное расселения народов и этнографических групп в Ферганской долине // Среднеазиатский этнографический Сборник II. – М., 1959. – С. 382. Волин С. А. К истории среднеазиатских арабов // Труды второй сессии ассоциации арабистов. – М.: Изд-во АН СССР, 1941; Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи..... – Б. 202; Церетели Г. В. Арабские диалекты Средней Азии. Т. I. Бухарский арабский диалект. – Тбилиси, 1956; Чиковани Г. Г. Морфологическая структура Кашкадарьинского диалекта арабского языка. – Тбилиси, 1988. – С. 3; Чиковани Г. Г. Некоторые вопросы истории и языка среднеазиатских арабов / Россия и арабский мир. Вып. 3. СПб. 1988. – С. 70–77; Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси. – Б. 416. Ражабов Р. Ўрта Осиё этномаданий жараёнларида араблар.– Б. 128; Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи..... – Б. 202;

савол берганимизда уларнинг 83 фоизи билмайман деб жавоб берган ҳолда 17 фоизигина у ёки бу даражада билишини айтиб ўтган.

Илмий таҳлиллар натижасида шуни қайд этиш мумкинки, арабларнинг бугунги кунда ҳам этник ўзликни англашининг асосий омилларидан бири ўз она тилини унутмай сақлаб қолганлигидир. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир халқнинг тарихи билан боғлиқ жараёни таҳлил этиш асносида уларнинг ўзига хос локал миллий хусусиятига ҳам эътибор қаратиш лозимдир. Яъни, Жейновда яшаб келаётган арабларнинг аксарият қисми ўз она тилини қисман бўлса-да, сақлаб қолганлигини кўриш мумкин.

Араблар ўз она тилини йиллар ўтиши билан унута бошлаган. Сўровнома натижаларида араб ёшлари орасида араб тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж йўқ. Чунки мактабларда ўзбек тилидаги дарсликлардан фойдаланилиши ҳамда араб тилининг фан предмети сифатида ўрганилмаганлиги каби омиллар ҳам араб тилини билувчи арабларнинг фарзандлари орасида тобора ушбу тилнинг мулоқот воситасидан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

Араблар йиллар давомида минтақанинг маҳаллий аҳолиси орасига сингиб, ассимиляция жараёнларига тортилган бўлса-да, уларнинг бир қисми этник ўзлигини (идентиклигини) сақлаб қолган. Жумладан, Навоий вилояти Навбахор туманига қарашли Арабхона қишлоғи ҳудудида истиқомат қилиб келаётган кекса кишиларнинг аксарияти олдинлари араб тилида гаплашишган. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги араб тилини унутиб, ўзбек ва тожик тилида мулоқот қилишади. Жугари қишлоғида истиқомат қилиб келаётганлар эса тожик, ўзбек, араб тилларида гаплашишади. Респондентлардан бири *«бизлар араб миллатдошларимиз билан араб тилида, ўзбек ёки тожик миллатга мансуб кишилар билан уларнинг тилида суҳбатлашамиз»*,<sup>1</sup> деб таъкидлади.

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғида яшовчи араб аҳолисининг маълум қисми Қашқадарё вилояти Миришкор туманига қарашли Жейнов қишлоғидан кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ҳозирги кунда ўзбеклашиб кетган<sup>2</sup>.

Шундай қилиб араб тилини ўрганиш йўлидаги қийинчиликлардан маҳаллий миллат озод бўлди ва араб тилини ўрганишга қарата ташвиқотлар форс тили воситачилигида амалга оширилди. Қуръон Каримни ўрганиш ва унинг тафсирлари ҳамда исломий арконларни

<sup>1</sup>Искандаров Ш.А. Ўзбекистон араблари: анъаналари ва трансформацион жараёнлар Т. “Янги нашр” 2017. – Б. 155,

<sup>2</sup>Дала ёзувлари. Бухоро вилояти Вобкент тумани Арабхона қишлоғи. 2012 йил.

чуқурроқ сингдиришга оид ҳаракатлар лаҳза бўлса-да, тинчигани йўқ. Маҳаллий ҳукмдор бўлиб Бухоро мулкига эгаллик қилиб турган Мансур ибн Нух ҳам тарихда Қуръони каримни форс тилига ўгиришга фармони олий берган энг биринчи ташаббускор бўлди. Шу билан бир қаторда исломни чуқур ўрганган ҳамда араб тилини мукамал эгаллаган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон арабларининг этномаданий идентиклигини ўрганишда шу заминда яшаб келаётган ўзбек халқининг тили қандай даражада таъсир этганлигини аниқлаш мақсадида респондентларга «Ўзбек тилини қай даражада биласиз?» деб савол берилганда, ахборотчиларимизга тарқатилган анкеталар таҳлили натижасида қуйидаги хулосага қилиш мумкин. Арабларнинг 73 фоизи яхши билишларни айтса, 27 фоизи аъло билишларини таъкидлади. Арабларнинг ўзбек тилини билиши ва шу халқнинг таркибий ажралмас қисми сифатида қараши аниқланди. Чунки минг йилдан кўпроқ давр мобайнида ўзбек ва араб халқлари бир ҳудудда иқтисодий-ижтимоий, сиёсий вазиятларда ягона халқ даражасида бир тилда мулоқот олиб борган.

Респондентлардан “Араб тилини ва маданиятини қайта тиклаш гоёсига қандай қарайсиз?” деб сўралганда, 48 фоизи ижобий, 7 фоизи салбий, 21 фоизи бефарқман, 24 фоизи «жавоб беришга қийналаман» деб жавоб беришган<sup>2</sup>. Ўзбекистон арабларининг йирик қисми ўз она тили ва маданиятининг тикланиши ва қисман бўлса-да, араб тилини келажак авлодга ўргатиш мақсадида асраб, авайлаш кераклигини таъкидлашди. Юқоридаги респондентларнинг жавоблари таҳлили асосида шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, минг йиллардан бери баъзи ҳудудлардаги араблар ўзбеклашиб, айрим араблар эса ҳанузгача маълум даражада араб тилини сақлаб қолишган. Улар миллий урф-одатларга бўлган муносабатни жонлантириш ва уни ўрганишни жорий қилиш керак деб эътироф этади.

Тадқиқотлар давомида Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида, Ғиждувон туманига қарашли Жугари, Чаҳдари, Вобкент туманидаги Арабхона қишлоғининг қариялари ўз она тили, араб тилининг сақланиб қолишган қисман. Бу тўғрисидаги маълумотлар Церетели, Волин, Винников, каби бир қатор олимларнинг илмий ишларида ҳам учрайди. Бухоро вилоятида истиқомат қилиб келаётган арабларда ўзбек тили билан бирга тожик тилини таъсирни кузатилади.

<sup>1</sup>История народов Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1950. – С. 158–166;

<sup>2</sup>Искандаров Ш.А. Ўзбекистон араблари: анъаналари ва трансформацион жараёнлар Т. “Янги нашр” 2017. – Б. 161

Миллий кадриятларнинг тикланиши, маҳаллаларнинг анъанавий фаолияти кенг йўлга қўйилишига ҳам имкон берди. Ҳақиқатан, мустақилликнинг илк йилларида Байналмилал маданиятнинг тузилганлиги муҳим ҳодисадир. Байналмилал маданият ҳар бир халқнинг ўтмишдан давом этиб келаётган анъанавий маросимлари йўқолиб кетишининг олдини олиш, асраб қолиш ҳамда уни ривожлантириш мақсадида тузилган.

Респондентлардан “Ҳозир араб халқининг ривожланиши учун қандай шароитлар зарур?” деб берилган саволга улар қуйидагича жавоб берди: «Миллий маданиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш» - 27 фоизи, «халқнинг диний кадриятларини қўллаб-қувватлаш» - 35 фоизи, «тилни қўллаб-қувватлаш» - 17 фоизи, «бозор иқтисодиётини ривожлантириш» - 15 фоизи, «табiiй муҳитни соғломлаштириш» - 3 фоизи, «интизомини мустаҳкамлаш» - 3 фоиз деб белгиладилар. Сўровнома таҳлили шуни кўрсатдики, 79 фоиз респондентлар араб миллий маданияти, урф-одат ва анъанавий маросимларни сақлаб, келажак авлодларга етказиш лозим, деб ҳисоблайди.

Респондентларга «Қайси тилдаги газеталарни ўқишни маъқул кўрасиз?» деб берилган саволга уларнинг жавоблари қуйидагича: ўзбекча 81 фоизи, арабча 2 фоизи, русча 3 фоизи, бошқа тиллардаги (тожик, туркман ва бошқа) 12 фоизи, бир неча тиллардаги газеталарни ўқиш 2 фоизи. Ўзбекистондаги арабларнинг бошқа миллат вакиллари томонидан нашр этилган журнал ва гезеталарга бўлган эътибори унчалик ҳам муҳим эмаслиги, асосан, мазмуни саёз мақола ва ҳикоя жуда ҳам кўпчиликни ташкил этишини таъкидлашди.

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар алоҳида бир ёш даври инобатга олинмаган ва шу сабабли арабларининг турли ёшдаги респондентлардан «Қайси мамлакатлар газета ва журналларини кўпроқ ўқийсиз?» деган саволга 83 фоизи Ўзбекистон, 1 фоизи Бирлашган Араб Амирлиги, 5 фоизи Россия, 9 фоизи тожикча, туркманча, 2 фоизи «барчасини», деб жавоб берди. Респондентларнинг 80 фоизидан ошиқроқ қисми бугунги кунда ўзбек тилига доир газета журналларни ўқишлари уларнинг матбуот саводхонлигида ҳам ўзбек тили салмоғининг юқори эканлигидан далолат беради.

Мустақилликнинг илк йилларида миллий маданиятни асраб ва авайлаб қолиш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Жейнов қишлоғида араб тилига ихтисослашган мактаб очилиб, бир неча йиллар араб тили ўқитилди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, бу қисмда Ўзбекистонда яшаб келаётган халқлардан бири-арабларнинг қадимий тарихий ўтмиши

ва бугунги куни билан боғлиқ жараён таҳлил этилди. Арабларнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъанавий ва замонавий маросимларидаги ўзига хос жиҳатлари ўрганилди. Ўзбекистон ҳудудидаги Жейнов, Жугари, Чахдари, Арабхона ва бошқа араб қишлоқларида араб тилининг маълум даражада сақланиб қолинганлиги аниқланди.

**Шерзод ИСКАНДАРОВ,**  
ТТА “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD.

## **МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ СИФАТИДА**

Ўзбекистон Республикаси полиэтник жамиятлар қаторига кирадиган мамлакатлардан саналади. Давлатимизда миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш борасида ўзига хос тажриба мавжуд. Бу сиёсатнинг бугуни кунда “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” тамойилида ҳам усовор вазифалар қаторидан ўрин олганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Инсоният пайдо бўлганидан бери кишилар, миллатлар ва элатлар ўртасида мудом у ёки бу кўринишда тўқнашувлар, низолар, урушлар ва қирғинлар содир бўлиб келган[1]. Шунини унутмаслик керакки, қаерда миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади, улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

Кўп миллатли давлатдаги этнослараро ҳамда миллатлараро муносабатлар миллий хавфсизлик деган тушунчанинг шаклланишида асос бўладиган таъсирчан омиллардан биридир. Шу боис шўролардан кейинги маконда янги мустақил давлатлар шаклланишида этнослараро ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришнинг долзарблиги аҳамияти янада ортади. Эҳтиёткорлик билан ёндашиб ҳал этиш лозим бўлган бу масала Ўзбекистон каби кўп миллатли давлатлар учун айниқса долзарбдир.

Ушбу мавзу доирасида изланишлар олиб борган А.Пўлатов: “...миллий ва миллатлараро муносабат, айниқса, ўз территориал давлат бирлигига эга бўлмаган “кичик сонли миллатлар” муаммоси бугунги кунгача ўз ечимини топмаган. Кўпгина мамлакатлардаги миллий муносабатнинг бугун кескинлашиб, фожа даражасига борганлиги